

Куч – адолатда

2024 йил
9 февраль,
жума
№ 9 (991)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

• <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

• 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ: ЎЗARO ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

“Кўксарой” қароргоҳида 8 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан расмий ташир билан мамлакатимизга келган Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Беларусь байроқлари билан безатилган майдонда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь етакчисини самимий кутиб олди ва шоҳсупага тақлиф қилди. Икки мамлакат мадҳиялари янгради.

Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко тор доирада ҳамда икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга кўтарил-

ганини алоҳида таъкидлади.

Беларусь Президентининг ушбу ташир билан таърифга тасдиқлаш доирасида қатор тадбирлар, шу жумладан, Хукуматлараро комиссия йиғилиши, ҳудудлар, ректорлар, тиббиёт ходимлари форумлари муваффақиятли ўтказилди.

Хукумат раҳбарлари, парламентлар, вазирлик ва ҳудудлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Томонлар халқаро тузилмалар, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДХ, ШХТ доирасидаги сиёсий мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ижобий суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йил якунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми 15 фоизга ошди.

Хукуматлар олдида ушбу кўрсаткич яқин йилларда 1 миллиард доллардан зиёдга етказиш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда кўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш, экспорт-импорт етказиб беришни қўллаб-қувватлаш механизмлари ва маҳсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимини жорий қилиш

бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, томонлар юк ташиш учун қулай шароит яратиш, халқаро автомобилда ташувчиларни тайёрлаш, Жанубий Осиёнинг катта бозорларига элтувчи мультимодал коридорлардан самарали фойдаланишга келишиб олдилар.

Кооперация алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда кўшма корхоналар сони 4 баробар кўлайди.

Музокарада давлат раҳбарлари кооперациянинг устувор йўналишларини белгилаб бердилар. Булар – қишлоқ хўжалиги, енгил, озиқ-овқат ва электротехника саноати, фармацевтика, шаҳарсозлик, коммуникациялар ва бошқалар. Барча йўналишлар бўйича алоҳида ишчи гуруҳларни шакллантиришга келишиб олинди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашув фаоллашганини олқишладилар. Кўни кеча ўтган Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари иккинчи форумининг самарали натижалари алоҳида қайд этилди: унинг якунлари бўйича қиймати 1 миллиард доллардан зиёд шартнома ва битимлар имзоланган.

Томонлар фаол маданий-гуманитар алмашувни давом эттиришга келишиб олдилар. Олий ва профессионал таълим, соғлиқни сақлаш, ма-

даният, спорт ва туризм соҳаларида шерикликни ривожлантириш дастурлари қабул қилинади.

Ийгиликда расмий делегациялар аъзоларининг ҳисоботлари, музокара кун тартибидеги масалалар юзасидан аниқ тақлифлари тингланди.

Учрашувлар якунида қабул қилинган қарорлар ва имзоланган келишувларни амалга оширишга доир кўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича келишувга эришилди.

Олий даражадаги музокарадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко кўшма баёнот қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурда қатор муҳим икки томонлама ҳужжат ва битимларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шу жумладан:

– 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– Маҳсулотларни сертификатлаштириш электрон тизимларини қўллаш тўғрисида битим;

(Давоми 2-бетда) ►

Сўнги йилларда мамлакатимизда энергия барқарорлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлаш, энергетик хавфсизликка эришиш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини ташкил этишдан иборат.

Қонун моҳияти

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ – табиий ресурслардан самарали фойдаланиш усули



Бинобарин, Ўзбекистон энергияси манбалари ресурсларининг чегараланганлиги, уларнинг ҳажми камайиши муқобил энергетикани ривожлантириш чораларини кўришни талаб этмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

Холмўмин ЁДГОРОВ, Судьялар олий кенгаши раиси

Мулоҳаза



СУДЬЯЛИК: лаёқат, масъулият ва ҳалоллик

Буюк бобоқолонимиз Алишер Навоий “Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш, Хуш ул кишиқим, адл сифати бўлмиш”, дея таъкидлаган. Маъноси: адолатли бўл, чунки ҳаётнинг бош мезони шу. Зотан, инсон айни шу сифати (адолатли одил, холислик) билан гўзалдир.

Ҳазрат бу билан барча инсонларни адолатли бўлишга давлат этган. Ушбу шир биринчи навбатда, судьяларга тааллуқлидир. Чунки судьянинг фаолиятига у нечоғлик адолатли эканидан келиб чиқиб баҳо берилади — бундан бошқа мезон йўқ. Бинобарин, ҳаётнинг бош мезони, тараққиётнинг таянч нуқтаси ҳам адолат ҳисобланади.

Буюк шоирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарига шундай жумлалар бор: “Хукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шiori тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи

лозим.” — “Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хотири хабардор бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда) ►

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд куни



ХАЛҚПАРВАРЛИК — УЛУҒ МАҚСАД

ёхуд Алишер Навоий ижодида миллий ғоя талқини

“Алишер Навоий” кинофильмида шундай манзара тасвирланган: ...Мажиддиннинг хийла тузоғига тушган Хусайн Бойқаро мастликда невараси Мўмин Мирзони қатл этишга фармон беради. Пойтахтдан йироқда бўлган Алишер

Навоий бундан беҳабар ҳолда саройга келганда шоҳни мотам либосида кўриб, ҳайрон қолади. Вазиятни билгач, саройдан чиқиб кета бошлайди.

(Давоми 4-бетда) ►

Қонун кўмаги

Медиация низоларни ҳал этишнинг қулай ва фойдали усули



Ишон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани, соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилиб, амалиётда суд ишларини юришнинг янги тартиб ва усуллари жорий этилаётгани бунинг исботидир. Низоларни оқилона ҳал этадиган ана шундай институтлардан бири медиация келишуви ҳисобланади. Ушбу институт тарафлар учун жуда қулай ва фойдали.

(Давоми 3-бетда) ►

Мутолаа эҳтиёжи

МАЪНАВИЙ ҚАНОТ

Инсон тафаккури ва билимининг асосий манба китобдир. У инсонни комиллик сари етаклайди, савияси ва дунёқарашини бойтади, нутқини такомиллаштиради.

Тафаккури кенг инсон қайси соҳада ишлашдан қатъи назар, одамлар қалбига осон йўл топа олади.



Тўлқин ЭШБЕК, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

(Давоми 3-бетда) ►



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик ва ҳайвонот турларини муҳофаза қилишни янада кучайтиришни на-

зарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига асосан ўсимлик, ҳайвонот дунёсини муҳофа-

за қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги бир қатор қонунларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►



Мулоҳаза

Судьялик: лаёқат, масъулият ва ҳалоллик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хаамирида (табиатида) шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилик иллатидан холи бўлиши лозим. ... У ҳукм вақтида ошнога ҳам, беғонага ҳам бир савияда қарамоғи лозим”.

Бу давлатимиз раҳбарининг “Судьянинг онгида — адолат, тилида-ҳақиқат, дилида-поклик бўлиши керак”, деган фикрига ғоят ҳам-оҳанг.

Бундай юксак талабга жавоб бериш учун судьянинг профессионал салоҳияти ўта юқори, шахс сифатида ҳалол-пок, сабр-қаноатли, илмли, сипо (ҳилмли), тавозуъли, ҳамиятли, раҳм-саховатли, ифбатли ҳамда виқорли бўлиши лозим. Бундай фазилатларга эга инсон биринчи навбатда, ўзига нисбатан адолатли бўлади. Табиийки, ўзига нисбатан адолатли бўлган шахс ҳеч қачон бошқаларга нисбатан адолатсизлик қилмайд.

Ҳалоллик-поклик, сабр-қаноат инсоннинг энг асосий фазилатларидан ҳисобланади. Аини фазилат ростгўйлик, мажбуриятга содиқлик, қилаётган иши тўғри эканлиги қатъий ишонч, самимилик каби ахлоқий сифатларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳалоллик инсоннинг қалби поклиги ва маънавий дунёқараши етуқлиги билан боғлиқ. Ҳалоллик судьянинг ўзига юклатилган вазифага ҳамда одамлар тақдирига бўлган муносабатидан кўринади. Судья умри ва эгаллаб турган амалининг ўткинчилигини унутмаслиги, ўз виждони олдида ҳисоб бериб бориши керак.

Судьянинг сабр-қаноатли бўлиши ҳам унинг ҳалоллик фазилатига кирди ва барча масалаларда сабр-тоқатлилик билан муносабатда бўлиши; қаноатли бўлиш деганда эса, бориға, ойлик маошига қаноат қилиб яшаши, ҳалол ризқ билан ризқланиши, емоқ-ичмоқ ва кийинишда зарурият даражасидан ўзгасини ўзига раво кўрмаслиги демакдир.

Сабр-қаноатли бўлиш учун судья кучли ирода соҳиб бўлиши керак. Чунки иродасиз кишида турли майллар пайдо бўлади. Қолаверса, судьядаги холислик кучли иродага таянади. Зеро, судья ишни кўришда холис бўлиши, қарор қабул қилишда шахсий адоватига берилиши ённки бирон-бир манфаатни назарда тутиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда бу қонунийлик ва адолатнинг бузилишига олиб келади. Инсонларнинг судга, адолатга бўлган ишончига путур етади.

Судьянинг илми бўлиши деганда, унинг бевосита вазифаси талаб этадиган ҳуқуқи, шунингдек, дунёвий билим ҳамда тажрибани тушуниш лозим. Зеро, биргина қонунларни муқаммал билишининг ўзи етарли эмас, гап судьянинг ўз ички туйғу, маънавий дунёқарашидан келиб чиқиб, қонунларни қандай қўллашида ҳамдир. Шунга кўра, судья ўз билими, соғлом фикр ва ақлий салоҳиятини ошириши, қонунларни муқаммал ўрнаттириш билан бир қаторда уни тўғри қўллаш бўйича амалий кўника-тажриба орттириб бориши, доимий ўқиб-изланиши шарт.

Судья ўзига юклатилган вазифа масъулиятини ҳис этган ҳолда маънавиятини бойитиш, иродани тоблаш,

иймон-этиқодни мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, комилликка эришиш борасида ҳам доимий изланиши талаб этилади.

Судьяда мавжуд бўлиши лозим фазилатлардан яна бири сиполик (ҳилм) бўлиб, бу ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир-вазмин, босиқлик ва мулоимлик билан масалага ёндашуви талаб қилади. Унинг тавозуъли, яъни — камтар бўлиш, ўзидан каттага — ҳурмат, кичикка — иззат билан муносабатда бўлиши ҳаргиз ўзини бошқалардан устун тутмаслик демакдир. “Тўрт нарса инсонга хорлик келтиради”, дейилади муқаддас манбаларда. Булар — бадфеъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилзорликдир.

Судьянинг ҳамиятли бўлиши — унинг ўзини тарбиялаб воғга етказган ва ваколат берган халқи, шунингдек, ўзга миллатларнинг урф-одат ва аъналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишида, шунингдек, оиласи ва яқинларига бўлган муносабати ва садоқатида ифодаланади. Кишини яқинларига бўлган муҳаббати — ватанига бўлган муҳаббатини ҳам ифодалайди. Судья фидоий, элпарвар ва ватанпарвар бўлиши лозим.

Раҳм-саховат деганда, судьянинг қонунларни инсон манфаати нуқтаи назаридан қўллаши, жазо муқаррарлигини таъминлаш билан бир вақтда уларда (қонунда) назарда тутилган энгилликларни холис қўллаши, жазонинг қилмишга нисбатан оғир бўлмаслигини тушуниш лозим. Суд қарорлари қонуний бўлиши билан бирга асосли ва адолатли бўлиши шартлигининг сабаби ҳам шунда.

Судьядаги одоб биринчи навбатда, юриш-туриши, муомала ва кийинишда кўринади. Судья умумэтироф этилган одоб доирасидан четга чиқмаслиги, ўз нафсини ақлан бошқариши ҳамда салбий иллатлардан ўзини тийиши лозим.

Виқорли бўлиш — судьянинг ўзига ишончи бўлиши, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги ва виқорли бўлиш орқали бошқаларнинг ишонч ва ҳурматиға эришиши ҳамда ўз вазифа ва бурчларини талаб даражасида амалга ошириш воситаси, деб тушуноқ лозим.

Судьянинг адолатли бўлиши — унинг ҳаммани тенг кўриши, ишдаги тарафларга бир хил муносабатда бўлиши, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлай олиши ҳамда ҳар қандай ҳолатда масалага холис, қонуний-ҳуқуқий баҳо бера билиши ва масалага нисбатан ечимни, яъни қабул қилган қарорнинг нечоғлиқ тўғрилиги билан баҳоланади.

Судьянинг ҳар қандай ҳаракати, қарори қонунга асосланган ва адолатли бўлиши шарт. Хулоса ўрнида айтсак, ҳалол одам ҳақамлик курсисига ўтиради экан, у шахсий майлларини унутади. Чунки ҳақам — гапирётган қонун, қонун тилсиз ҳақамдир. Шу боис судья ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндашиши, керак бўлса, ўзини судланувчи, жабрланувчи ёки жавобгар ённки маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланаётган шахс ўрнига қўйиб кўриши лозим. Шундагина йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олди олиниши ва адолат қарор топади.

ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН МУНОСАБАТЛАР АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Рақобатни ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Илм-фан ва ишлаб чиқаришда ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тошкент ва Минск шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатларини ўрнатиш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида битим;

— Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Интеллектуал мулк соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2024-2025 йилларда спорт соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2024-2025 йилларда таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

— 2024-2026 йилларда агросаноат мажмуида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”;

— Ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар режаси;

— 2024-2025 йилларда туризм соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси.

Бундан ташқари, ташриф доирасида 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифлари режа-жадвали имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко музокаралардан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ташриф арафасида ўтказилган Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, Худудлараро форум ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши натижалари мамнуният билан қайд этилди. Бунгача етакчи олийгоҳлар ректорлари ва тиббиёт муассасалари раҳбарларининг учрашувлари бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Президенти журналистлар эътиборини кейинги йилларда Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигида рўй берган сифатли ўзгаришларга қаратди. Барча даражалардаги мулоқотлар фаоллашгани, товар айирбошлаш ҳажми, операция лойиҳалари сони ошгани, маданий-гуманитар алмашув ва тўғридан-тўғри авиақатновлар қайта тиклангани қайд этилди.

Етакчилар музокаралар атрафлича бўлгани, Ўзбекистон — Беларусь муносабатларининг кенг доираси батафсил муҳокама қилингани, кўп қиррали шерикликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари белгилаб олингани маълум қилдилар.

Минтақавий ва халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, МДҲ, ШҲТ доирасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўлайитириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва савдони қўллаб-қувватлаш механизмларини

жорий қилишга келишиб олинди.

Саноат кооперациясининг устувор соҳалари белгилаб олинди.

Худудлараро алоқалар салоҳияти ва имкониятларини самарали ишга солишга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданият ва санъат, олий ва профессионал таълим, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларидаги фаол алмашувлар давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш борасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб олинди.

Томонлар навбатдаги тиббиёт, таълим ва туризм форумларини ташкил этишга келишиб олинди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, кўп қиррали шерикликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига ишонч билдирилди.

“Кўксарой” қароргоҳида Ўзбекистон — Беларусь саммити якунлангач, биргаллик дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Фахрий меҳмонлар хиёбонида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиш рамзи сифатида дарахт экидилар.

Сўнг Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон эътиборига Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маиший техника, электрон ҳисоблагичлар, лифт ва эскала-

торлар, насослар, саноат қозонхоналари, совитиш тизимлари каби кенг турдаги юқори технологик маҳсулотлар тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та ишлаб чиқариш қуввати жойлаштирилган. Жорий йилда бу ерда логистика маркази иш бошлайди.

Маҳсулотлар хорижий брендлар остида ва улар назоратида ишлаб чиқарилмоқда, ички ва хорижий бозорларда уларга талаб юқори. Товарлар дунёнинг 10 та мамлакатига экспорт қилинмоқда.

Президентлар етакчи корхоналар кооперациясини, тажриба алмашиш ва технологиялар трансферини кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Шу кунги Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига борди. Олий мартабали меҳмон муҳташам бадиий обида — Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Александр Лукашенко ушбу муазам боғнинг бунёд этилиш тарихи билан танишди. Мустақиллик монументида акс эттирилган буюк алломалар, қаҳрамон саркарда ва жаҳонгирлар, жадид болаларимиз ҳақида сўзлаб берилди.

Делегация аъзолари “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига эътибор қаратди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мисол учун айтадиган бўлсак, Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси “Халқ банки” манфаатини қўлаб, Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилди ва “Uzmashlizing” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Ozagrolizing” акциядорлик жамияти ҳисобидан 13.199.302.109 сўмлик қарздорликни солидар тартибда ундириб беришни сўради. Бироқ судга тарафлар медиатив келишув тақдим қилди.

Хўш, аслида медиатив келишув нима? Бунинг томонларга қандай афзал жиҳатлари бор?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодекс талабига кўра, тарафлар низоини медиатив келишув битимини тузиш орқали ҳал этишга ҳақли. Медиатив келишув битими даъво тартибидagi ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.



Медиация низоларни ҳал этишнинг қўлай ва фойдали усули

Шунингдек, амалдаги “Медиация тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, медиация тарафларнинг хоҳиш-истаги асосида қўлланилади. Медиация суддан ташқари тартибда, низоини суд тартибда кўриш жараишида, суд ҳужжатини қабул қилиш учун суд алоҳида хо-нага (маслаҳатхонага) кир-гунига қадар, шунингдек, суд ҳужжатлари ва бошқа ор-ганлар ҳужжатларини ижро этиш жараишида қўлланили-ши мумкин.

Бундан ташқари меди-

ацияни қўллаш тўғрисидаги келишув шартномадаги унинг таркибий қисми бўлган шарт тарзида ёки алоҳида келишув тарзида ёзма шакл-да тузилади. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги кели-шувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чи-қиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал эти-лиши кераклиги ҳақидаги қо-ида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо

предмети, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тартиби медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари, медиация тар-тиб-таомилини амалга оши-риш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўз ифода-сини топиши мумкин.

Шу ўринда юқорида қайд этилган низога қайтсак, суд Иқтисодий процессуал ко-декснинг 107-моддаси 1-қисм 53-бандига асосан даъвони кўрмасдан қолдириди.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида яшовчи Мухтор Сўпиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳаётда тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаши, жон койитмай мўмай даромад топишга ури-ниши охир-оқибат унинг ўзига қимматга тушиди.

Гап шундаки, М.Сўпиев бир йил мобайнида 46 марта фирибгарлик жиноятини содир этди. Дастлаб у 2020 йил 22 ноябрь кунги Яққасарой туманидаги “Alif moiya” масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўкондан таниши Комил Умаровнинг номи-га нархи 4.843.200 сўмлик телефон аппаратини муддатли тўлов эвазига сотиб олади.

— Сиз асло хавотирланманг, ҳар ойда пулни ўзим тўлайман, — дея у К.Умаровни ишонтиради.

Аммо у телефон аппаратини тез орада сотиб юбориб, пулни шахсий эҳтиёжларига сарфлайди. Эртаси кун яна К.Умаровни алдаб, Мирзо Улуғбек туманидаги яққа тартибдаги тад-биркор “Shermatova Sitora Saydullo qizi”га қарашли дўкондан баҳоси

6.546.000 сўмлик телевизорни кредит эвазига олишга эришади. Фирибгар бу гал ҳам К.Умаровнинг қўйини пуч ёнгоққа тўлдирди.

2020 йил 28 ноябрь кунги яна бир таниши Ғани Абиловнинг ишончига кириб, унинг номига Юнусобод ту-манидаги кредит дўконидан нархи 6.998.000 сўмлик телевизорни олади.

Орадан уч кун ўтгач, яна Ғ.Абилов-нинг номига “Universalbank”нинг Ми-робод тумани филиалидан 13.000.000 сўм миқдорда кредит расмийлашти-риб, ушбу маблағни таниш савдо дўконига маиший техникалар учун ўтказдиради. Сўнгра уларни сотиб, пулни шахсий эҳтиёжига сарфлайди.

Устамон фирибгар 2020 йил 9 де-кабрь кунги таниши Комил Умаровни яна Тошкент тумани марказидаги савдо дўконига бошлаб боради.

— Мана шу телевизорга ҳавасим

Жиноятга жазо муқаррар!

СЎНГГИ

келди, — дейди у К.Умаровга нархи 7.060.000 сўмлик телевизорни кўрсатиб. — Шуну кредитга олиб берсангиз, пулни тез орада ўзим тўлаб кетаман.

— Майли, — дея бош иргайди унинг асл мақсадидан мутлақо беҳа-бар К.Умаров.

Нафси тобора ҳақалак отиб борган М.Сўпиевнинг фириб тўрига Ғами-дулла Тастанбеков қандай тушганини ўзи ҳам билмай қолади.

— Уйимдаги телевизор анча эски-риб қолди. Шунинг учун номингизга битта дурусткор телевизор олайлик. Кредит пулларини ўзим ойма-ой тўлаб бораман, — дейди у муғомбир-лик билан.

Унинг гапларига ишонган Ғ.Тастан-беков нархи 7.363.000 сўмлик телеви-зорни ўзининг номига расмийлашти-риб, М.Сўпиевга олиб беради.

Қонун моҳияти

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ — табиий ресурслардан самарали фойдаланиш усули

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Экспертлар хулосасига кўра, юртимизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг умумий салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг бўлиб, технологик имкониятлари 179 миллион тонна нефть эквивалентига тенг бўлиб, технологияларнинг ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мамлакат бўйича йилга истеъмол қилинадиган энергия ҳажмидан қарийб 2,5 баробар кўпдир.

Қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш, шунингдек, 447 миллион тонна углеводород оксиди, олтингурут бирикмалари, азот оксидлари ва бошқа ифлослантувчи моддалар ҳамда парник газларни атмосфера ҳавосига ташлашни олдини олиди.

Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши қарийб 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз 2030 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари қувватини 27 гигаваттга етказиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги қисми 40 фоизга олиб чиқишни мақсад қилган. Бу, ўз навбатида, ҳар йили 25 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш ва атмосферага зарарли ва

иссиқхона газлари ташланмаларини 34 миллион тоннага қисқартиришга хизмат қилади.

Кейинги йилларда тармоқда хусусий сектор ва етакчи хорижий компаниялар эркин фаолият юритиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Натижада улар иштирокида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Хусусан, илк бор 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан, давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида умумий қуввати 200 мегаваттлик қуёш станциялари барпо этилиб, ўтган даврда улар 1 миллиард киловатт соат "яшил" электр энергиясини ишлаб чиқарди.

Бирлашган Араб Амирикларининг "Masdar" компанияси томонидан Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 900 мегаватт бўлган учта замонавий фотоэлектр станциясини барпо этиш лойиҳаси якунланди. Навоий вилояти Томди туманида 500 мегаваттлик шамол электр станциясининг биринчи босқичи куриб битказилди.

Бундан ташқари Хитойнинг

"China Gezhouba Group" компанияси томонидан Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида умумий қуввати 1 минг мегаваттлик қуёш станцияларининг биринчи босқичи курилиши якунланди.

Бу улкан ишлар энергетика тармоғидаги ислохотлар йўлида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардир. Айни шундай чора-тадбирлар тизимли давом эттирилади ва рақобатли бозор механизмлари босқичма-босқич ўтилади.

Шу билан бирга, фикримизча, мазкур соҳада келгусида куйидаги масалаларга аҳамият бериш жоиз:

- қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналари ва алоҳида деталларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш;
- соҳада ўрта ва олий маълумотли, юқори малакали, шунингдек, хизмат кўрсатувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни тизимли йўлга қўйиш;

- мавжуд салоҳиятни бирлаштирувчи қисқа ва узоқ муддатли илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишланмаларини амалга оширишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;
- худудлар табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ландшафт, яилловлар, флора

ва фаунага зарар етказмаган ҳолда, саноат корхоналари ва ижтимоий соҳа объектларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш тартибини ишлаб чиқиш;

- қайта тикланувчи энергия манбалари электрон чиқиндиларини тўплаш, саралаш ва утилизация қилишни ташкил этиш;
- энергия манбаи сифатида "яшил водород" ва бошқа синтетик ёқилгилардан фойдаланиш масалаларини жағдаллаштириш;

- иссиқ сув ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи қуёш коллекторларини ўрнатишга эътибор қаратиш;
- Мамлакатимизнинг "Қуёш атласи" ва "Шамол атласи"ни ишлаб чиқиш ишларини якунига етказиш лозим.

Албатта, белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида амалдаги қонунлардаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир айрим нормаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этаётганлиги. Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш янада ривожлантирилиши муносабати билан Ўзбекис-

тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш назарда тутилаётгани жуда муҳим.

Бир сўз билан айтганда, айни қонуннинг кучга кириши соҳа учун катта аҳамият касб этади. Чунки янги қонун:

биринчидан, ижтимоий ва уй-жой коммунал соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг татбиқ этишга;

иккинчидан, энергия самардорлигини ошириш орқали юртимиз худудларида энергия тақчиллиги қопланишини кенг тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилаётганини аниқ ҳақиқат. Бу борадаги чора-тадбирларни янада кенгайтириш зарур.

учинчидан, инвесторлар учун қулай шароитлар ва рағбатлантириш механизмларини жорий қилишга;

тўртинчидан, саноат ва аҳолининг энергия таъминотини яхшилаш, пировард натижада мамлакатимизда энергетика барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Янги қонун лойиҳасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларини сақлаш чораларига аниқлик киритилиб, ёввойи ҳолда ўсувчи камёб ўсимликларни табиий муҳитдан ажратиб олиш талаблари кучайтирилмоқда. Хусусан, улардан илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш, улар табиий ҳолда ўсиб чиққан жойларда муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этишга оид меъёрлар киритилмоқда.

Шунингдек, питомник ва плантацияларда етиштирилган "Қизил китоб" рўйхатидаги ўсимлик турлари табиий

муҳитга экилганидан камидан уч йил ўтгандан сўнг уларнинг уруғ, кўчат ҳамда ниҳолларини йиғиш ёки ҳосилли олиш бўйича талаблар белгиланмоқда.

Ерларни иккиламчи ижарага бериш имкониятлари кенгаймоқда

Ҳозирда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг дала четларида 34,5 минг гектар, коллектор-дренажлар атрофида 24,5 минг гектар ер майдонларида қўшимча 340 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имкони мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш би-

лан бирга маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтиради. Бироқ ушбу майдонлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, иккиламчи ижарага бериш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси яратилмаган.

Янги қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари дала четларидаги коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ўн йилгача бўлган муддатга ижарага бериш кўзда тутилмоқда.

Ердан фойдаланувчиларнинг дала четлари ва коллектор-дренаж ҳамда суғориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонлари, шунингдек, боғ ва тоқзор қатор ораларидан самарали ва оқилона фойдаланишини таъминлашга доир мажбуриятлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ваколатлари ҳам белгиланмоқда. Яъни сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилишини таъминлаш, сувдан фойдаланиш, сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш чораларини кўриш каби ҳуқуқлар берилиши назарда тутилмоқда.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

ПУШАЙМОНЛИК

Хуллас, қисқа муддатда М.Сўпиев фирибгарлик ва алдов йўли билан К.Умаров, Ф.Абилов ва Ҳ.Тастанбековни 309 миллион 418 минг сўмга "чув" туширади.

Буни қарангки, М.Сўпиев ўз нафси йўлида кўзи ожиз инсонни ҳам аяб ўтирмайди. Утган йилнинг 26 февраль кунини у автоматиканга йўловчи сифатида ўтирган Искандар Исмоиловнинг кўзи ожиз эканидан фойдаланиб, унинг уяли телефонини бир танишига кўнғироқ қилиб олиш баҳонаси билан олади-ю, қайтариб бермайди. Сўнгра телефон аппаратини сотиб юбориб, пулини шахсий эҳтиёжига ишлатади.

Энг қизиғи, фирибгар кимса танишларини алдаб катта миқдордаги маблағни кўлга киритгач, қорасини кўрсатмай кўяди. Уларнинг ҳам кўнғироқларига жавоб бермай кўяди.

Охир-оқибат алданганини англаб

етган жабланувчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этишади. Шундан сўнг М.Сўпиевга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улғубек тумани суди уни Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан айбдор деб топиб, беш йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Шунингдек, суднинг ҳукмида К.Умаров фойдасига 112.000.000 сўм, Ҳ.Тастанбеков фойдасига 54.000.000 сўм моддий зарар ундириш ҳам белгиланди.

Буни қарангки, М.Сўпиев ушбу суд ҳукмидан норози бўлиб апелляция инстанциясига мурожаат қилди. Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди томонидан ушбу жиноят иши бартараф қилиб кўриб чиқилди. Яъни апелляция суди мажлисида биринчи босқич суди ушбу иш бўйича қонуний ва



асосли ҳукм чиқаргани, судланувчига нисбатан адолатли жазо тайинлангани аён бўлди. Чунки биринчи босқич суди М.Сўпиевга нисбатан жазо тайинлашда айбига қисман иқдорлиги, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчилиги, яшаш жойидан ижобий таъсирлангани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмагани туфайли жабрланувчиларнинг даъвоси борлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини

инобатга олиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. Бинобарин, апелляция суди шикоятни қаноатлантириши рад этиб, суд ҳукмини ўзгартириш қолдирди.

Кўнғилчанлик, юз-хотир каби хусусиятларнинг фазилат экани айни ҳақиқат. Бироқ уларни суистеъмол қилишга йўл қўйиш фирибгарнинг тегиригига сув қуйиши билан бир қаторда пушаймонликка сабаб бўлади. Доно халқимиз нақлича, сўнги пушаймондан асло фойда йўқ. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Музаффар КУКИЕВ,
Тошкент шаҳар суди судьяси

Мутулаа эҳтиёжи

МАЪНАВИЙ ҚАНОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бугунги кунда одамларнинг дунёқараши ва савияси тобора кенгайиб бормоқда. Ҳақ-ҳуқуқларини яхши билган шахслар қаршида ўтирган терговчи ёки судьяга ҳар томонлама баҳо бера олади. Шу боис ҳуқуқшунослар, шу жумладан, судьялар фаолиятида китобхонлик муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Китоб ўқиган, ўзини устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бефарқ бўлмайди. Унинг кучи билимда бўлади. Шунинг учун ҳеч кимни писанд қилмайди. "Катталар"га хушомад қилмайди. Унинг билими бор, илми бор. Мана нима учун китоб ўқинглар деймиз. Китоб ўқисангиз савол беришни биласиз".


Давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг бири айнан китобхонликка қаратилган.

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар китоб мутулааси ва китобхонлик маданиятини оширишга хизмат қилаётганини аниқ ҳақиқат. Бу борадаги чора-тадбирларни янада кенгайтириш зарур.

Асрлар давомида миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий бойликларимизни асраш ҳамда ривожлантиришга адабиёт, айниқса, халқ оғзаки ижодининг ўрни жуда катта бўлган. Эртақ ва дostonлар замирида асосан миллий ўзлигини ифода этувчи, қадриятларимизни қадрловчи гоёлар мужассам эканини изохлашга ҳолат йўқ. Ўзбек халқ мақоллари ҳам битмас-туганмас маънавий хазина ҳисобланади.

Шу боис дастлаб халқ мақоллари, эртақ ва дostonларни ўқиб-ўрганиш, мағзини чақиш зарур. Атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг "Сўз латофати" китоби том маънодаги тилшунослик илмининг ёрқин

Мухтасар айтганда, тафаккурни чархлайдиган, ҳаётнинг турли қирраларини акс эттирган бадиий ва илмий жиҳатдан юқори савияли бўлган китобларни ўқиш кишига фақат фойда келтириши эмас, балки маънавий қанот бағишлайди. Бу қанот қанчалик кучли бўлса, инсон шу қадар маънавий етуқликка эришади.



Жиноят ва жазо

БАРТАРАФ ЭТИЛГАН ҒОВ

Судда гиёҳвандлик жиноятига қонуний жазо тайинланди

Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик бутун дунё миқёсида глобал муаммага айланган. Чунки гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳар қандай мамлакатда кримноген вазиятга салбий таъсир кўрсатиб, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига пуртур етказди. Қолаверса, гиёҳвандлик моддалари савдоси билан боғлиқ жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган гуруҳлар томонидан содир этилаётгани унинг ижтимоий хавфлилигини янада оширмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд куни

ХАЛҚПАРВАРЛИК — УЛУҒ МАҚСАД

ЁХУД АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАЛҚИНИ

(Бошланиши 1-бетда) ▶

Хукмдор буйруғи билан қароллар унинг йўлини тўсади. Бироқ улуғ шоир қароллар кўзига боққани заҳотиёқ улар беихтиёр йўл очишади. Сарой дарвозаси олдидаги майдонда тумонат одам шоирни оммавий олқишлар билан қарши олади. Одамларнинг буюк шоирини шарафлаб, алқаётгани халқ учун бахшида умр эъзознинг қандай баланд поғонасига етиши мумкинлигини аниқлаштириш билан бирга томирларда ажиб бир туйғуни жунбушга келтиради.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Алишер Навоийнинг шахсий ғояси — миллий ғоя, миллий ғоя — шахсий ғоясига айланган эди. Шоир асарларидаги кўпдан-кўп байтлар шундан далолат беради. 1991 йили шоир таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Миллий боғида бунёд этилган улуғвор ҳайкал пештоқиға миллий ғоянинг мағзини акс эттирадиган куйидаги байт ёзилган:

**Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиғ,
ёр ўлинг бир-бирингизгакам,
эрур ёрлиғ иш.**

Бу — шоир. Шоир бўлганида ҳам, бутун башариятга қарата айрилган абадий буюк шоир. Инсоният бор экан, Ер юзиде турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилар экан, дунё давлатларга бўлинган экан, бир мамлакат жамияти ҳар хил этник гуруҳлардан иборат бўлар экан, душманлик эмас, ёрлиғ, яъни дўстлик байроғини баланд кўтаришимиз керак. Бундан оқилроқ йўл йўқ.

Яна бир ҳақиқат шуки, инсон жамиятсиз яшashi мумкин эмас. Жаҳон адабиёти тарихида лирик қаҳрамонни жамиятдан қочишга тарғиб этган шоирлар озми?

Аммо Алишер Навоий асарларининг умумий руҳига халққа хизмат қилиш сингит кетган. Шундай бўлмаганида эди, шоир бир ишқий ғазалида


шеърхон кутмаган бир ҳолатда ёри ҳақида сўзлай туриб “Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам”, дея бонг урармиди?!

Бу — халқпарварликнинг юксак ифодаси.

Шоир асарларида замон билан боғлиқлик шу даражада кучлики, айрим лирик шеърларида ҳар қанча даврдан нолимасин, барибир, одамларни шу элга хизмат қилишга ундайверади:

**Даврон элининг жисмида
ҳам жон бўлғил,
ҳам жонларига моййи
дармон бўлғил.**

“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод билан Шопур Ширинни излаб кетаётганида узоқдан бир тоғ тепасида жуда кўп одамларнинг нима биландир машғуллигини кўриб қолишади. “Бориб сўрайлик-чи, улар нима қиляпти экан?” — дейди Фарҳод. Аниқлашса, бу ер “Армания” деган юрт бўлиб, Меҳинбону деган аёл хукмдорлик қилар экан. Унинг Ширин



деган бир жиғини бор экан. Шу қиз тоғ тепасида бир айвонли қаср қурилиб, атрофидан сув айланиб ўтишини истаб қолибди.

Одамлар ана шу орзуни рўёбга чиқариш учун машаққат чекишаётган экан. Шунда алп Фарҳод ёрини топиш илжини четга суриб, шу халққа раҳми келганидан уларнинг юмушини осонлаштиришга киришиб кетади.



Бунинг довуғи саройга етиб, ундан Ширин ҳам хабар топади. Меҳинбону билан Ширин бу ғайриоддий инсоннинг ишини кўриш учун тоққа чиқади ва Фарҳод сирли ойнада кўргани ёрининг Ширин эканига амин бўлади.

Яхшиликка ҳамиша яхшилик қайтади. Бу — Алишер Навоий асарларидаги қатъий ишонч. Чунки “Ҳайрат ул-аброр”да шоир шундай таъкидлаган:

**Нафъинг агар халққа
бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга
кўпракдурур.**

Фарҳод халққа яхшилик қилганида заррача ўзини ўйлаган эмас. Лекин шу яхшилиги туфайли ёрининг ўзи унинг олдига келди. Албатта, жамиятда яхши ҳам бор, ёмон ҳам. Шоир лирик қаҳрамонни шу қадар инсонпарвар, шу қадар бағрикенгли, гуноҳкор кишилар кўпроқ авфу иноятга сазоворроқ, деб ҳисоблайди:

**Ҳар киши халқ ичра гунаҳкорроқ,
Авфу иноятга сазоворроқ,
“Жамият” ва “мен” масаласининг
шоир ижодида асосий мавзуга ай-**

лангани бежиз эмас. “Мен”га баҳони “жамият” беради. Халқ хушламаган кишини яхши одам ҳисоблаш мумкин эмас:

**Эл қочса бировдин, эл ямони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ямон-ямони бил они.**

Маъноси: Эл бировдан қочса, билгилки, одамларнинг ёмони шу. Демак, унинг феълида бирор камчилик, айёрлик, худбинлик бор. Бундай одам халойиқнинг бошига битган бало. Олам элининг ёмондан-ёмони — шу одам.

Бу талқинларда ҳаётӣ, ҳар тарафлама асосли хулоса мавжуд. Кишининг нозик туйғуларини жунбушга келтирадиган шеърӣ жозиба кучли. Ажабо, бу не сирки, соҳир сўзлар ортида буюк бир инсоний юрак уриб турганини орадан беш асрдан кўпроқ давр ўтганидан кейин ҳам сезиб турсанг?!

**Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Энг ёмони, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар инсоннинг бебаҳо бойлиги бўлган саломатлигига жиддий зарар етказиши. Бу ҳақда тўхталганда бир қатор салбий оқибатларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, гиёҳвандлик моддаси таъсирида кишининг руҳияти бузилади, бош мия, асаб тоалари заифлашишдан кишининг фикрлаш қобилияти сусаяди. Шунингдек, инсоннинг ўта муҳим тана аъзолари сурункали оғир хасталикларга дучор бўлади. Бундан ташқари гиёҳвандликка берилган кимсаннинг оиласи жар ёқасига бориб қолади, майиб-мажруҳ фарзандлар туғилади.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юртдошларимизнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, сиҳат-саломатлигини асраб-авайлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шу боис бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий да-



Жиноят ва жазо

БАРТАРАФ ЭТИЛГАН ҒОВ

судда гиёҳвандлик жиноятига қонуний жазо тайинланди

волаш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш, сотиш, олиб ўтиш, сақлаш билан боғлиқ жиноятларга қарши қатъий кураш олиб борилмоқда. Мисол учун айтадиган бўлсак, ўтган йилнинг ёз фаслида Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси “Гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими”га Хоразм вилоятида яшовчи Қилич Бойназаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) Пахтакор туманида ўзи билан олиб келган кўп миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддасини сотиш учун харидор қидираётгани ҳақида хабар келиб тушади. Ушбу хабар асосида ўтказилган

тезор тадбирда Қ.Бойназаров гиёҳвандлик моддасини 10 миллион сўмга сотаётган пайтда қўлга олинади. Шундан сўнг унга нисбатан жиноят иши очилади.

Маълумки, судда ҳар қандай судланувчининг жиноят содир этишдаги ҳолатлари атрофлича муҳокама қилинади. Бу гал ҳам суд иш мезонига амал қилди. Судланувчининг жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олди. Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарориде кўрсатилган раҳба-

рий тушунтиришларга амал қилди.

Суд муҳокамасида судланувчи Қ.Бойназаровнинг қайта жиноят содир этгани маълум бўлди. У муқаддам 1998 йилда Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “б” банди билан олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Орадан бир йил ўтиб, амнистия актига асосан тайинланган жазодан озод этилган.

Аммо ўзига кўрсатилган бағрикенглик ва мурувватдан сабоқ чиқармаган Қ.Бойназаровга янги жиноятга қўл ургани учун 2001 йилнинг 6 июлида Жиноят кодексининг 176-моддаси 2-қисми “в” банди ва 273-моддаси 2-қисми “б” бандига асосан етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайин-

ланган. Бироқ бу ҳам Қ.Бойназаровга кор қилмаган.

Чунки кейинги сафар Қ.Бойназаров такроран оғир жиноят содир этгани учун ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Ушбу жазо муддати қисқартирилиши муносабати билан озодликка чиққан. Бироқ унинг сўқир кўзлари очилмаган, яна “эски ҳунари”ни давом эттирган.

Суд Қ.Бойназаровни Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, унга ўн йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари у Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми “а” бандига кўра, “ўта хавфли рецидивист” деб топилди. Эндиликда у жазо муддатини оғир тартибли колонияда ўтайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аср вабоси бўлган гиёҳвандликка қарши курашиш долзарб вазифадир. Чунки гиёҳвандлик хавфли иллат сифатида тараққийта ғов солишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

**Шоҳрух
МИРЗААҲМЕДОВ,
Жиззах вилояти
суди судьяси
Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч — адолатда” муҳбири**

Қизиқарли фактлар

Жаҳон адабиётининг забардаст вакили, “Хосиятсиз соат”, “Полковникка ҳеч қим ёзмайди”, “Танҳоликнинг юз йили”, “Бузрукнинг кузи”, “Ошқора қотиллик қиссаси” каби юксак бадиий асарлар муаллифи, Нобел мукофоти совриндори Габриэл Гарсиа Маркес ижоди ва фаолияти кўпчилик учун жуда қизиқ. Чунки буюк ёзувчининг нафақат ижоди, балки турмуш тарзи, хусусан, оилавий ҳаёти ва муҳаббат тарихи ҳам ҳеч қимликка ўрнатилмади. Қизиғи шундаки, бўлажак ёзувчи хотини Мерседес билан биринчи учрашувдаёқ турмуш қуришга қарор қилишади. Улар бир умр аҳдида содиқ қолиши ва 55 йил бирга ҳаёт кечирди. Куйида ушбу ғойиб муҳаббат тарихи ҳақида маълумот берамиз.

«МУҲАББАТ — ҲАЁТНИНГ МАЗМУНИ»

ёҳуд оташин севги қиссаси

**СИР-СЕҲРГА
ОШНО БОЛАЛИК**

1927 йилнинг 6 мартида Колумбиянинг Магдалена дарёси бўйидаги кичкина Аракатука шаҳрида туғилган болага Габриэл дея исм қўйишди. Оилада ўн биринчи фарзанд бўлган Габриэлнинг отаси телеграфчи бўлиб, оиласини боқиш учун икки жойда ишлагани учун уйда кам бўлар эди.

Онаниннг ўзига етарлича эътибор қаратиши учун вақти етмагани сабабли Габриэлни бобоси ва момоси тарбиялайди. Улар унинг маънан етук инсон бўлиб етишига катта таъсир кўрсатишди. Шу боис улар кейинчалик ёзувчи асарларидаги юксак бадиий образлар прототипига айланишди.

Габриэл Сапакира шаҳарчасидаги интернатда таҳсил олди. У ўша кезларда ижод қила бошлаган бўлса-да, ҳуқуқшунослик касбини эгаллашга қарор қилди. 1945 йил Сукура шаҳарчасидаги рақс майдончасида Габриэл тасоҳифан Мерседес Барча Пардо исмли қизни учратиб қолди. Шунда 18 ёшли Габриэл Гарсиа Маркес кутилмаганда аёло баҳога ўқиган. Қиз ўта жиддий ва масъулиятли бўлиб, энг севимли машғулотини турмушга чиқинг”, дея тақлиф қилади. «Розиман. Аммо аввал мактабни тугатиб олишимга рухсат беринг», дея жавоб беради 13 ёшли қиз мутлақо жиддий оҳангда.

Габриэл 1946 йил Богота университетининг юридик факультетида ўқишга кирган бўлса-да, аммо адабиётдан кўнгли узмади. Шу боис тез орада ёш ижодкорнинг романтик шеърлари эътирофларга сазовор бўлади. 1947 йилда биринчи ҳикояси нашр этилган, Габриэл касбини ўзгартириб, журналист бўлишга қарор қилади. У Боготада нашр этиладиган газетда муҳбирлик қила бошлади.

Болалигидан сир-сеҳрга ошно бўлган Габриэл кейинчалик Мерседесни мактаб йилларидаёқ тушида кўрганини кўп бора таъкидлаган. У тушидан руҳланиб, саёхатни ниҳоятда орзу қилган ва капалакка айланиб, уйдан кетиб қолган қиз ҳақида ҳикоя ёзган.

**ТУШНИНГ
РЎЁБГА ЧИҚИШИ**

Кичкиналикда дунё бўйлаб саёхат қилиш, улкан шаҳарларда яшаш, меҳмонхонадан меҳмонхонага кўчиб



юрини орзу қилган Мерседес Барча Пардо 1932 йил 6 ноябрда Магдалена дарёси бўйидаги Манганга қишлоғида дунёга келган. Унинг онаси колумбиялик фермерлар оиласидан эди. Отасининг томирида араб қони оққан.

Габриэл Гарсиа Маркес «Нил дарёсининг сирли гўзаллиги» деб таърифлаган Мерседеснинг оиласи дори-дармон савдоси билан шуғуллангани учун доимий равишда кўчиб юрган. Шундай бўлса-да, Мерседес ҳаммиша энг нуфузли ва қатъий тартиб-қоидага эга бўлган мактабларда аёло баҳога ўқиган. Қиз ўта жиддий ва масъулиятли бўлиб, энг севимли машғулотини турмушга чиқинг”, дея тақлиф қилади. «Розиман. Аммо аввал мактабни тугатиб олишимга рухсат беринг», дея жавоб беради 13 ёшли қиз мутлақо жиддий оҳангда.

Мерседес улғайғач, совчилар кела бошлади ва у барчани рад қилаверди. Мерседес Габриэлнинг совчи юборишини кутарди. Бу вақт мобайнида таниш-билишлари қизга йигитнинг саргузаштлари ҳақида мунтазам хабар етказишса-да, у бунга ўзига тааллуқли эмас деб ҳисоблайди. Хусусан, Габриэлнинг юридик факультетдан ҳайдалгани ва журналистикани танлагани уни асло ташвишлантмайди. Мерседес учун Габриэлнинг хатларига жавоб бериши қанда қилмаётгани, қалбида нималар кечаётгани ҳақида ёзаётгани муҳим эди.

Шу таразда Мерседес Габриэлни ўн бир йил кутди ва ниҳоят, 1958 йилнинг март ойида улар турмуш қуришади.

(Давоми келгуси сонда)

Интернет материаллари асосида Ғузор тумани У.Уватов номидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабининг инвлиз тили фани ўқитувчиси Ҳасан УРУНОВ тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йоти.
Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-215 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6544
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 00⁰⁰.